

# СПОРТ МЕНЕЖМЕНТИ ТАМОЙИЛЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*М.Маматов*  
*ТДИУ Иқтисодий ҳавфсизлик*  
*кафедраси катта ўқитувчиси*

## **Аннотация**

Ушбу мақолада спорт менежменти тамойилларининг мазмуни, ундаги тарихийлик ва мантикийлик, функционалик муносабатининг ворисийликга кўра трансформацияси ва унинг глобализация жараёнида ўзгариши тенденциялари ёритилган.

## **Аннотация**

В данной статье освещается содержание принципов спортивного менеджмента, его историчность и рациональность, трансформация отношения функциональности по преемственности и тенденции его изменения в процессе глобализации.

## **Annotation**

This article highlights the content of the principles of sports management, its historicity and rationality, the transformation of the relationship of functionality by continuity and the trend of its change in the process of globalization.

## **Калит сўзлар:**

Спорт менежменти, спорт менежменти тамойиллари, спорт менежменти тамойилларини группалаштириш, бошқариш принциплари, менежмент функциялари, спорт менежменти тамойиллари трансформацияси

## **Ключевые слова:**

Спортивный менеджмент, принципы спортивного менеджмента, группировка принципов спортивного менеджмента, принципы менеджмента, функции менеджмента, трансформация принципов спортивного менеджмента

## **Keywords:**

Sports management, sports management principles, grouping of sports management principles, management principles, management functions, transformation of sports management principles

## **Мавзунинг долзарблиги.**

Бугун жаҳон миқёсида спорт ва спорт муносабатлари, уларни бошқариш самарадорлигини кўтариш энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу жараённинг муҳим жиҳатларини спорт соҳасидаги тадбиркорликнинг фаол ривожланиши, оммавий спортни, унинг соғломлаштиривчи турларининг ривожланишида давлатнинг ва маҳаллий давлат органлари ролининг ортиб бориши, оммавий спортга хусусан, олий маҳорат спортга қизиқишнинг ортиб бориши, спорт мусобақаларининг тобора интернационаллашиб бориши бунда ўрта менежментга эътиборнинг кучайиб бориши, спорт маркетингига ориентация қилиш талаби халқаро миқёсида кучайиб бориши спорт менежменти тамойили трансформациясига

илмий нуқтаи назардан ёндашиш заруриятини тобора ошириб юбормоқда.

### Таҳлил мазмуни

Бошқарув инсоннинг онгли, масадга мувофиқ фаолияти бўлгани учун унинг ёрдамида инсон ташқи муҳит элементларини ўз мақсадлардан келиб чиққан ҳолда тизимлаштиради ва ўзига бўйсунтиради. У ақлий меҳнат жараёнининг ўзига хос турини ифодалайди ва меҳнат предмети, меҳнат воситаси, меҳнат натижасига кўра тавсифланади ва айни вақтда менежмент категориясига киради.

Менежмент ресурсларни, одамларни самарали бошқариб, фойда, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назарда менежмент- бу ўзига хос санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир.<sup>1</sup>

Менежмент хўжалик бошқарувининг бир тури сифатида бир неча -XX асрнинг боши-1935 йил; 1936 -1955 йиллар; 1956-1970 йиллар; 1971-1980 йиллар; 1981-1985 йиллар; 1986-1990 йиллар; 1990 ва ҳозирги давр каби босқичларни босиб ўтган.



- Спортда бошқарув қарорларига таъсир этувчи омиллар механизми бешта кадамни камраб олади.
1. Муаммони англаш.
  2. Ахборот(маълумот)ларни кидириш.
  3. Турли мукобилларни таққослаш.
  4. Харид қилиш акти.
  5. Харидни баҳолаш.

### СПОРТ БОЗОРИНИ БОШҚАРИШ

Бу даврларда менежмент иерархия таркибининг шаклланиши, меҳнат унумдорлигининг оширилиши, тизимни шакллантириш ва уларнинг алоқадорлигини ўрганиш, тизимни ривожлантириш ва ташкил этишни маданийлаштириш, инновацион менежментни ривожлантириш, менежментнинг барча имкониятларидан максимал фойдаланиш каби масалалар ҳал этилди.

Спорт менежменти илмий бошқарув мактаби асосчилари Ф.У. Тейлор, Ф.В. Лилбердлар бошқарувнинг кузатув, эксперимент, таҳлилга асосланган тамойилларни яратдилар.

Улардан кейин А. Файоль, А.П. Слоун, А.Урвенларлар спорт менежменти, административ бошқаришни ташкил этиш ва унинг мониторинги методологиясини яратди. Бошқарувга замонавий ёндашув

<sup>1</sup> М.Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев “Менежмент” Т. 2001й 5 бет.

концепциясига эса А. Файольнинг функционал назарияси асос бўлди. Бунда бир -бири билан боғланган режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва назорат функциялари ўртасидаги боғланиш асос сифатида олинган эди.

Тизимли ёндошувда эса спорт ишлари очик тизим сифатида қаралади.

Тизимликликка асосланган спорт менежменти янги мазмундаги принципларга суянади.

Шу ўринда спорт менежментида кенг ишлатиладиган “принцип” ва “тамойил” тушунчаларининг мазмунига тўхталмоқчи эдик. “Тамойил” атамаси ўзбек тилининг изоҳли луғати берган маълумотига кўра майил, мойиллик, тенденция деган маънони англатади. “Принцип” атамаси эса лотин тилидан олинган бўлиб, асос, дастлабки, хатти-харакат ёки фаолиятнинг асосий қоидаси, раҳбар ғояси каби маънони билдиради. Умуман олинганда менежмент фанида “тамойил” деган тушунчанинг ўрнига “принцип” атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда “принцип” жаҳондаги кўплаб миллатлар тилида ишлатиладиган интернационал атамадир. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнингча менежмент фани бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда ҳам “принцип” атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда спорт менежментининг мавжуд принциплари А. Файоль томонидан яратилган ўн тўртта принципга асосланган тизим сифатида ишлатилмоқда.

Ушбу тамойиллар тизими тизимлилик ва комплекслилик; демократик централизм; бошқарувни оптималаштириш; мувофиқлаштириш, яъни ходимнинг бажарадиган вазифасига лойиқлигини белгилаш; зарур бўлганда бир ходимни иккинчиси билан автоматик суръатда алмаштириш; биринчи раҳбар; иш жараёнинг кетишини биринчи раҳбарнинг назорат қилиши; ташкилот ҳақидаги информацияни бир марта чиқариш; янги вазифаларни аниқлаш; ходимлар малакасини муттасил ошириб бориш; мақсадни аниқ белгилаш; фаолиятни истеъмол даражаси ва талабига мўлжаллаган ҳолда амалга ошириш; масалага жараёндан келиб чиққан ҳолда ёндашиш; доимий яхшиланишга мўлжалланган фаолиятни ташкил этиш кабилардан иборат.

Спорт менежменти принциплари; демократиялаш, иерархия, режалаштириш, якка ҳокимлик, илмийлик, қайта алоқалар, жавобгарлик ва бошқалар шаклида аниқ жамият, аниқ давлат тизими ва унинг аниқ сиёсатидан келиб чиққан ҳолда; 1. Бюрократияларча марказлашув; 2. Номенклатура; 3. Ўз-ўзига хизмат қилиш, шахсий манфаатни устун қўйиш; 4. Демократияни тан олмаслик; 5. Буйруқбозлик; 6. Формализм; 7. Расмийчилик; 8. Маҳдудлик; 9. Консерватизм каби умумий қоидаларга амал қилади.

Бу принциплар спорт менежментида Советлар даврида ва Мустақилликнинг дастлабки даврларда ишлаган тамойиллар ҳисобланади. Мустақиллик йилларида спорт менежменти муттасил такомиллашиб ва ривожланиб келди. Биз буни 2015 йил 24 июлда қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда “2019-2023 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний

тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш” Концепцияси, хусусан 2018 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармон каби ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва уларнинг амалга оширилишида ҳам кўриб турибмиз, чунки булар спорт соҳаси принципларининг тубдан ўзгартиришни белгилаб беришди.

Ушбу фармонда жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги, ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар бўйича ва амалга оширилиши керак бўлган вазифалар кўрсатиб берилди.

Булар кабиларга -Республика маҳаллалари, туманлари ва минтақалари бўйича тегишли ҳудудларда аҳолининг жинс-ёш таркиби хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган спорт тадбирларининг оммавийлиги ва мунтазамлигини таъминлаб соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

Мақтабгача таълим ташкилотларидан бошлаб таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг инновацион усулларини такомиллаштириш ва қўллаш орқали болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

Барча даражалардаги ҳокимликлар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарда жисмоний тарбия жамоаларини ташкил этиш орқали аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, ишлаб чиқариш жисмоний тарбиясини меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар тизимига киритиш;

Ёшларни маънавий камол топиш ва жисмонан соғлом шахслар бўлиш руҳида тарбиялаш;

Ҳаётнинг замонавий тенденциялари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда болалар ва катта ёшдагилар, исталган ёшдаги ҳаваскор спортчилар ва профессионаллар учун мўлжалланган янги шаклдаги оммавий жисмоний тарбия ва оммавий томоша тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Спорт юлдузлари иштирокида спорт тадбирлари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ўтказиш; ва бизнес тузилмаларни, спорт муассасаларининг спорт инфратузилмасидан фаол фойдаланиш.

Аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинмаган қатламлари ва қулайроқ шарт-шароитлардаги фуқаролар учун жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиш учун тенг имкониятлар яратиш, кабилар киради

Юқорида келтирилган ижтимоий маданий ҳолатлар жисмоний тарбия принципларини қайта кўриб чиқишни ва уларни янги сифат даражасига кўтаришни тақоза этди. Шулар жумласига тизимли бошқариш принципи киради.



Менежментнинг тизимли бошқариш принципи қўрилаётган ҳар қандай муаммода масалалар ечимини оптимизацияланишга қодир, ҳар томонлама, кўп қиррали ёндошувни кўзда тутди. Тизимли ёндошув қатор илмий-техник, ижтимоий-сиёсий, психологик масалаларни келишувли ечимини ўз ичига олади. У бошқарув жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи боғланишларни, барча омиллар мажмуасини инобатга олишни талаб қилади.

Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришда тизимли ёндошувга эришиш, жуда кўп ҳолатларга кўра самаралидир, чунки ушбу жараён доимий равишда ўз таъсирини кўрсатиб турадиган жуда кўп ички ва ташқи омиллар таъсирида ривожланиб боради. Катта ҳажмдаги, ўзгариб турадиган барча омилларнинг бирортасини ҳам эътибордан қолдирмасдан менежментда бошқарув жараёнини таъминлаб бориш, албатта тизимли ёндошув орқали амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ва спорт менежментининг тизимли бошқариш принципини шакллантириш, илмий асослаш ва ривожлантириш устида кўпгина дунёга тан олинган олимлари ва мутахассислари изланишлар олиб боришган. Ўзбекистонда менежментнинг системали бошқариш принциплари устида замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва ахборот технологиялари ёрдамида ҳар қил математик моделлар ва усулларни жорий этиш бўйича илмий изланишларга академик В.К. Қобулов асос солган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб берган масалаларни ҳал қилишнинг энг омилкор тамойиллардан бири, спорт хизматларига бўлган талабларни максимал даражада аниқ ҳисоб- китоб қилиш, шу асосида аниқ ҳисоб -китобларга асосланган ресурслар базасини яратиш принциpidир. Бу принцип ресурслар базасини ишга соладиган юксак компетенцияга эга

кадрларни жой жойига қўйиш, давлатнинг молиявий маблағлари ва бошқа каналларидан шаклланган маблағларни илмий асосланган ҳолда тежаб тергаб сарф қилишни талаб қилади. Бу жараённинг ўзи- ўзидан янги принципларини яратади. Шу асосда принциплар асосида янги принципларнинг яратилиши механизми ишга тушади.

Жамият тараққиётининг конкрет даври ва конкрет талаби спорт менежментида таваккалчиликни ҳам талаб этмоқда. Таваккалчилик бу оқибатнинг яхши бўлишга умид боғлаб хавф эҳтимоллигини зиммасига олинган ҳолда қилинадиган ҳаракат, бу ресурс ёки даромаддан тўла ёки қисман йўқотиш хавфи, бу ноаниқлик шароитида ҳар қандай довжорак менежер учун табиий ҳолат, вазият. Бу омадсиз оқибатнинг миқдорий боғланиши.

Таваккалчилик спорт менежментининг хусусий сектори билан узвий боғлиқ ҳолатдир. Ўзбекистонда кейинги йилларда спортнинг хусусий секторини ривожлантириш бўйича бир қатор янги бошқарув тизимлари ва объектлари вужудга келди. Бу секторда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ушбу имкониятлар давлат секторидаги имкониятлар билан режали уйғунлаштирилса ва давлат шерикчилиги принципига кўра спорт бошқарувини ташкил этиш самарадорлиги янада ошган бўлар эди. Бу жараёнларнинг барчасида бугунги кунда ҳаётга фаол киритилаётган қўл бошқарувидан тизимли бошқарувга ўтиш принципининг аҳамияти янада ортади.

Менежмент хизмати ўзининг моҳиятига кўра жисмоний тарбия ва спорт фаолиятидаги кўпгина умумий принципларга амал қилган ҳолда ривожланиб боради. Улардан энг муҳими илмийлик принциpidир, у ҳар доим назариянинг амалиётдан илгарилаб боришини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт менежментини бошқарувдаги замон талабларига жавоб бера оладиган бўлишига хизмат қилади. Илмийлик принципи жамиятдаги ижтимоий-сиёсий силжишларни олдиндан илмий асосга кўра билган ҳолда, амалдаги аниқ шароитга қараб бошқариш системасини тўлиқ назоратда ушлаб тура оладиган даражада менежментнинг асосий звеносини топа олишига хизмат қилади.

Ўз фаолиятида илмийлик принципига риоя қилиб, валюнтаризмни инкор қила оладиган ҳар бир раҳбар иқтисодий қонунлар, жамият ривожланишининг объектив йўналишлари ва бошқарув принциплари орасида ўз соҳасига таъаллуқли барча миллий ва жаҳон тажрибаси ютуқларини қўллай олиш имкониятига эга бўлади.

Илмийлик принципи биринчи навбатда иқтисодиётнинг умумий назарияси, бошқарув назарияси ва амалиётдан фойдаланишни тақозо этади. У ҳар бир иерархик босқичда менежмент объекти сифатида бошқариш жараёнининг комплекс элементи, субъекти сифатида эса маъсулият ва ҳуқуқ билан қуролланган бошқарув органлари, звенолари ва буғинлар мажмуасидан

иборат эганлигини акс эттирувчи муҳим элемент сифатида намоён бўлади. Инсонлар, ходимлар ва уларнинг амалий фаолиятлари орқали жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг барча таркибий қисмларида илмийлик принципи бошқарув системасининг фаол элементига айланади.

Жисмоний тарбия ва спорт менежментининг илмийлик принципи менежментда ҳар қандай тавсия, қабул қилинадиган бошқарув қарорларини илмий томондан асосланган бўлишини тақозо этади. Жисмоний тарбия ва спорт менежментининг илмий асосини бошқарув назарияси ва амалиёти, спорт назарияси ва амалиёти, менежмент, психология, тиббиёт, биология, иқтисодиёт назарияси, иқтисодий таълимотлар тарихи, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, тармок иқтисодиёти, жумладан спорт иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти, кибернетика, иқтисодий математик усуллар, эконометрика, эргономика, операциялар таҳлили каби фанлар ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида илмийлик принципининг аҳамияти янада ортиб боради, чунки у иқтисодни, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини, жумладан, жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ислоҳ қилишга асос бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг хусусиятларини ҳисобга олганда жисмоний тарбия ва спорт менежменти назариясини ижодий ривожлантириб бориш сусаймайди, аксинча янада кучайиб, долзарб масалага айланиб боради.

#### Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924 сонли Фармони
2. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394 сон
3. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент “Ўзбекистон” 2021 йил
4. Ф. Тэйлор «Принципы и методы научного менеджмента» Москва 1911г.
5. Д.А. Абожина “Управления физкультурно-спортивной организаций” Екатеринбург 2017г.
6. Галкин В.В. Экономика и управление физической культурой и спортом: учебное пособие для вузов / В.В. Галкин. - Ростов н/Д.: Феникс, 2006. - 448 с.
7. Жолдак В.И. Менеджмент: монография / В.И. Жолдак, С.Г. Сейранов. - М.: Физическая культура, 2006. - 372 с.
8. М.Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев “Менежмент” Т. 2001 й
9. А. Ўлмасов, А. Вахобов “Иқтисодиёт назарияси” Т. 2006 й.
10. М.А. Икромов, О.С. Казаков, Р.Б. Исмоилов. “Иқтисодиёт ва менежмент асослари” Т. 2009 йил